

Ijtimoiy-huquqiy jurnal

# HUQUQ *va* BURCH

ISSN 2010-5436


№2/2021

ШАФФОФЛИК  
САРИ МУҲИМ  
ҚАДАМ

ҚОЗИ...  
ВА СУДЬЯ



“Эрурсек тоҳ, агар озоҳсан сен,  
Агар озоҳсан сен, тоҳсан сен!”



Қози – судья. Дастрлаб бу сўзниг луғавий маъносига диққатимизни қаратайлик. Ўзбек миллий қомусида «Араб тилидан туркийга ўтган, «ижро этувчи», «ҳукм чиқарувчи» маъноларини англатади» деб таъриф берилади. Араб тили сўзлигидага у «қаза» ўзак сўзидан ясалгани ва туркийда «ҳукм чиқармоқ», «муҳокама этмоқ», «ажрим қилмоқ» каби маъноларни англатиши кўрсатилган. Унинг «ижро этмоқ», «бартараф қилмоқ», «суд қилмоқ», «ҳал этмоқ» сингари маъноларни ифодаловчи яна бир қанча шакллари бор. Машҳур «Мухтасар ал-виқоя» асари муаллифи Убайдуллоҳ Садр аш-шария ал-Асғар бу сўзни: «Қаза – луғатда «ҳукм қилмоқ», шариатда «даъволашувчилар низоларини бартараф этмоқ» ва шариат бўйича ҳар қайсига тегишли ҳақини ажратиб беришдир», – деб тушунтиради.

## ҚОЗИ... ВА СУДЬЯ

31

## ТАРАФЛАР ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТИ

ички ишлар органлари иштирокида тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари мисолида

39

## ХУСУСИЙ МУЛҚ ХУКУКИ кафолатларини кучайтириш зарурати

45

## ИПОТЕКА КРЕДИТИ имкониятми ёки муаммо?

49

## БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДЛИК ТАЖАССУМИ «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари

54

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛҚ ХУКУКИ қандай тартибга солинади?

59





# Бунёдкорлик ва ободлик тажассуми: «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари

Инсон бу ёруғ оламга баҳтли яшаш учун келади. Дунёning гултожи дея таъриф берилган инсониятнинг баҳтли ҳаёт кечириши кўп мезон ва омилларга боғлиқ. Бу аввало инсоннинг ватан ичра кичик ватани – уйи ҳамда маҳалласида ҳар нарсаси тўқис бўлиб умргузаронлик қилишида намоён бўлади.

Шу маънода Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятининг илк кунларидан илгари сурган, мамлакатимиздаги барча ислоҳотларнинг асосий мақсадига айланган «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади» каби бир-бирини мазмунан тўлдирадиган ғоялар замирида инсонпарварлик сиёсати мужассамдир.

**«Обод қишлоқ» ғояси салқин кабинетларда эмас, ҳудудларга ташрифлар жараёнида ҳақиқий аҳвол билан танишиш, шунингдек, Президент виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналарига, оммавий ва сайёр қабулларда тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида яратилди.**

2017-2018 йилларда Президент виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналарига кўплаб қишлоқларда шароит йўқлиги, аҳолининг турмушини яхшилашга етарлича эътибор қаратилмагани, коммунал инфратузилма обьектлари эскириб қолгани, уйлар қурилиши, йўллар, ижтимоий обьектларнинг (мактаб, боғча, поликлиникалар) таъмирталаблиги, аҳоли дам олиш масканлари мавжуд эмаслиги, жамоат транспорти қатновлари, давлат хизматлари қўрсатиш даражаси жуда пастлиги бўйича кўплаб мурожаатлар келиб тушган<sup>1</sup>. «Обод қишлоқ» ғояси мурожаатлар билан ишлаш жараёнида мамлакатнинг чекка қишлоқларида аниқланган ана шундай муаммоларга амалий ечим сифатида пайдо бўлди.

Мазкур ғоя ҳужжатга валойиҳага кўчиб, дастурга айлангунига қадар уни амалга ошириш механизmlари, йўллари ва усуллари даставвал амалиётда синовдан ўтказилди. Илк манзил

Жиззах вилояти Дўстлик туманининг Манас қишлоғи бўлди.

2018 йил 14 февраль куни «Обод қишлоқ» лойиҳасини амалга ошириш учун Манас қишлоғига республика ишчи групҳи борди. Шу кундан Манас катта қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди. Давлат раҳбари Манасда олиб борилаётган ишлар билан мунтазам қизиқиб юзага келган муаммоларни тез ҳал қилиш юзасидан кўрсатма ва топшириқларни бериб боргани<sup>2</sup> туфайли 45 кун ичида манасликларни узоқ йиллар ўйлантирган муаммолар – йўл, ичимлик суви, электр энергияси, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа обьектлари таъмири, ишсизлик, алоқа ва интернет ҳамда бошқа кўплаб масалалар комплекс ҳал қилинди. Манас қишлоғи деярли янгидан қурилди.

Бу жараёнда Манасда уйма-уй юрилиб аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ўрганилди. Ҳар бир соҳа бўйича ишларни қандай амалга ошириш маҳаллий аҳоли муҳокамасидан ўтказилди. Бунда нафақат ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, балки ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳатто соғлом турмуш тарзини, тўғри овқатланиш қоидларини жорий қилишгача бўлган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди<sup>3</sup>.

Манас тажрибаси мисолида «Обод қишлоқ» дастурининг амалий механизмлари ишлаб чиқилди. Бу жиҳатларнинг барчаси давлат раҳбарининг 2018 йил 29 марта қабул қилинган «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида<sup>4</sup> ги фармони<sup>4</sup> ҳамда «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида<sup>5</sup> ги қарорида<sup>5</sup> ўз ифодасини топди.

Фармонда маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш

<sup>1</sup> Қаранг: <https://sputniknews-uz.com/society/20190125/10634185/Muhammadiev-Obod-ishlo-Obod-maalla-dasturlari-dunda-khshashi-y-nob-tizim.html>

<sup>2</sup> <https://t.me/shmirziyoyev>/Манас. Илк қадам.

<sup>3</sup> <http://www.uzdaily.uz/uz/post/4614>.

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/3604659>.

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/3604663>.



аждодларимиздан мерос энг бебаҳо қадрият ва анъаналардан бири ҳисобланиши, кенг кўламли бунёдкорлик ишларини барча ҳудудларда амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш, энг асосийси, ёшларни хайрли ишларга даъват этиш алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланган<sup>6</sup>.

Шунингдек, фармонда мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи яшайдиган қишлоқ жойларда салмоқли демографик, меҳнат ва иқтисодий салоҳият жамланишига қарамай, улар учун шароит яратиб берилмагани оқибатида кўплаб тизимли муаммолар юзага келгани кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб мазкур фармон билан 2018 йил 1 апрелдан мамлакатимизнинг ҳар бир тумани ва шаҳрида, авваламбор олис ва шароити оғир ҳудудларда 2 тадан қишлоқ (маҳалла)да «Обод қишлоқ» дастурини амалга ошириш белгиланди.

**2018 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида 368 та қишлоқда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Дастур доирасида мамлакатимизнинг энг шимолий нуқтасида жойлашган Қўнғирот туманининг Қорақалпоғистон овулида йиллар давомида таъмирталаб аҳволга келиб қолган икки қаватли 23 та уй ва 5 та коттеж реконструкция қилинди; 20-25 йил ишламаган оқова сув тармоқлари янгиланди; 24 та арzon уй, маданият саройи, тикиувчилик корхонаси қурилди; ижтимоий соҳа обьектлари таъмирланиб, жихозланди.**

Шу қаторда Навоий вилоятидаги Чуя қишлоғи ва Ўтемурат, Қулқудук овуллари, Самарқанд вилоятидаги Жом қишлоғи, Қашқадарёдаги Чияли, Сурхондарёдаги Юртим жамоли, Янгидиёр, Ҳаким Термизий қишлоқлари, Тошкент вилоятидаги Тонг ўлдузи, Абай

қишлоқлари, Хоразмдаги Оқдарбанд, Гулобод, Эшимжирон ва Гулистон қишлоқларидағи ўзгаришларни мисол сифатида айтиш мумкин.

Республика ишчи гуруҳининг Тошкент шаҳридаги ўрганиши асосида «Обод қишлоқ» дастурининг узвий давоми – «Обод маҳалла» дастури ишлаб чиқилди. Давлат раҳбарининг 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастури тўгрисида»ги фармони<sup>7</sup> билан шаҳарларда 2 тадан маҳаллада ҳам қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажаришга киришилди.

Жиззах вилояти Мирзачўл тумани маркази – Гагарин шаҳри «Обод маҳалла» дастури татбиқ қилинган энг йирик обьектлардан бири. Бу шаҳарда атиги 5-6 ой нари-берисида 60 йил таг-туби билан чириб адo бўлган баракларда яшаган икки мингга яқин аҳоли учун янги уйлар қуриб берилди. Бундан ташқари Мирзачўл тумани Фалаба маҳалласидаги икки қаватли ташландик бино таъмирланиб, ногиронлар учун уй қилиб берилди. Ногиронлар ва ёлғиз кексалар учун намунавий лойиҳадаги 34 та ҳовли барпо қилинди. Ҳудуддаги кўп қаватли 176 та уй, 35 та кўча таъмирланди, 38 та болалар майдончаси барпо этилди, электр, газ таъминоти яхшиланди. Сув олиб келинди, канализация тизими қайта ишга туширилди, 17 та ижтимоий соҳа обьекти барпо қилинди, таъмирланди.

«Обод маҳалла» дастури асосида Андижон шаҳрининг Мустақиллик, Урганч шаҳрининг Ашҳобод, Когон шаҳрининг Бунёдкор маҳаллаларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди.

2019 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида «Обод марказ» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятларининг барча туман марказлари, Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ, Бўзатов туманлари марказлари, Сурхондарёнинг Шарғун шаҳарчаси, Бухоронинг Қоракўл тумани, Фарғона-

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/3604659>.

<sup>7</sup> <https://lex.uz/docs/3797772>.

нинг Сўх тумани марказлари деярли янгидан барпо қилинди. Бу жойларда янги обьектлар, маданият масканлари, сўлим хиёбонлар қад ростлади, ичимлик суви, электр энергияси, газ билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди.

Гарчи 2020 йилда пандемия туфайли бу йўналишдаги ишларни вақтинча тўхтатишга тўғри келган бўлса-да, мураккаб иқтисодий аҳволга қарамай ҳудудларда аввал бошланган қатор лойиҳалар якунинга етказилди.

Бу жараёнда Қорақалпогистондаги Бўзатов ва Тахтакўпир, Сирдарёning Ховос тумани маркази, Қашқадарёning Таллимаржон шаҳарчаси янгидан бунёд қилинди. Бўзатов марказида замонавий маъмурий бинолар, уларни боғлаб турган равон йўллар, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тизими, замонавий давлат хизматлари маркази, минг ўринли ўйингоҳ, минг ўринли амфитеатр, 350 хотин-қизни ишли қилган тикувчилик корхонаси, ҳунармандлар уйи қурилди.

**Ховосда беш қаватли 30 та уй, 2 сотихли 150 та ҳовлидан иборат «Ховос city» тураржой**

мажмуаси, замонавий коворкинг маркази, давлат хизматлари маркази, хотира хиёбони, ўлкашунослик музейи, аҳиллик хиёбони каби ўнлаб янги обьектлар фойдаланишга топширилди. Нишон туманидаги кўпмиллатли Таллимаржон шаҳарчасида икки қаватли 100 уй, 400 ўринли маданият саройи, болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари, 120 ўринли тикувчилик корхонаси, йўл, сув, канализация, табиий газ ва электр тармоқлари буткул таъмирланиб, янгидан қуриш ишлари якунланди.

2020 йилда «Обод қишлоқ» дастури натижасида янги қиёфага кирган маҳалла ва қишлоқлар қаторидан Чинознинг Эшонобод қишлоғи ҳам жой олди. Бу қишлоқда 200 ўринли маданият саройи, замонавий маҳалла маркази, уч хонали 38 та арzon уй, «Ёш китобхонлар боғи», болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бунёд этилди. Бешта нуқтада 400 метр ер қаъридан чучук сув чиқарилиб, 14 км. сув тармоғи тортилди, 2 та ичимлик суви обьекти қурилди. Натижада Эшонобод ва унга ёндош 6 маҳал-





ладаги 13 мингдан ортиқ ахоли ичимлик суви билан таъминланди. Қишлоқдаги электр энергияси, табиий газ билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинди.

Президентнинг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга қилган мурожаатида таъкидланганидек: «Сўнгги 3 йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 5 мил-

лионга яқин ахоли яшайдиган 1200 та маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди»<sup>8</sup>. Бу 5 миллионга яқин инсоннинг ҳаётида янги қишлоқ маданияти, замонавий маҳалла маданияти қарор топиши учун шароит яратилди дегани. Мана шундай комплекс ёндашув «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларини янги тизим дейиш учун етарлича асосдир.

### **Фикримизча, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларини амалга оширишда ахоли муаммолари билан ишлаш бўйича қўйидаги муҳим натижаларга эришилди.**

**Биринчидан,** Президент виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналарига, оммавий ва сайёр қабулларда келиб тушаётган мурожаатлар, уйма-уй юриш орқали ўрганишлар таҳлили асосида энг қолоқ ҳудудларни белгилаш тизими йўлга қўйилди.

**Иккинчидан,** «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш тажрибаси эзгулик, инсонпарварлик, адолатни таъминлаш борасидаги фояларнинг ҳамиша халқ томонидан қўллаб-қувватланишини яна бир бор кўрсатди.

**Учинчидан,** дастурлар доирасида ҳудудларнинг янги меъморий қиёфаси яратилиши, ичимлик суви, электр энергияси, газ, алоқа ва бошқа соҳалар билан боғлиқ янги муҳандислик-коммуникация тармоқлари барпо қилиниши ёки мукаммал таъмирланиши, ижтимоий соҳа обьектлари қурилиши билан бу ҳудудларнинг инвестициявий жозабадорлиги ошиши кузатилмоқда.

**Тўртинчидан,** БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Туркияning халқаро ҳамкорлик агентлиги ва бошқа халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётгани инсонпарварлик сиёсати ҳеч қандай чегара, ҳудуд ва халқ танламаслигидан далолат беради.

Хусусан, Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким 2018 йил 28 августда Ўзбекистон Президентига йўллаган миннатдорлик мактубида<sup>9</sup> Жаҳон банки «Обод қишлоқ» дастурини қўллаб-қувватлашини таъкидлаган. Шунингдек, 2021 йилда халқаро молия институтлари ҳам мазкур дастурда иштирок этиш учун 270 миллион доллар йўналтиришга тайёр эканини билдирган<sup>10</sup>.

Бироқ халқаро жамоатчилик, айниқса, Аме-

рика ва Евropa минтақаларида бу дастурлар ҳақида деярли билишмайди. 2019 йили Тошкент шаҳрида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари: илк натижалар ва келгуси режалар» мавзусида илк халқаро анжуман ихчам доирада ўтказилган, холос. Лекин бу дастурлар бўйича кенг доирада халқаро конференциялар ўтказиш вақти келган.

**Шокир РАФИҚОВ,**  
ТДЮУ магистри

<sup>8</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

<sup>9</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/1978>.

<sup>10</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.